



Шеъриятдаги ширк

Бисмиллохир рохманир рохийм

Хак Субхонаху ва Таоло дунёни ранго-ранг мўъжиза, неъматларга бой килиб, тўлдириб қўйибди. Уларнинг аник микдорини одамзод билолмайди. Инсонга неъматлар кадрига етмоклик, шукронасини адо килмоклик, улардан окилона баҳрамандлик, уларни номуносиб жойларга исроф этмаслик буюрилган. Синов килиб беришган. «Эй, инсонлар, У сизларнинг кайсиларингиз чиройлирок-яхширок амал килувчи эканлигингиzin имтихон килиш учун ўлим ва хаётни яратган зотдир. У кудратли ва магфиратлидир». («Мулк» сураси, 2-оят). «У зот инсонни яратиб, унга (дилидаги максадини аён эта олиши учун) баённи (нуткни) таълим берди» («Рахмон» сураси, 3-,4-оятлар).

Адабий ижод — имконият микёслари багоят кенг бир неъмат. Негаки унинг воситаси — сўз, одай эмас, бадиий сўз. Шу боис у турмуш, кўнгил хамда шуурнинг барча манзилларига чакирилган меҳмон мисол ташриф эта олади. Иктидор сохиби бўлмиш ижодкор учун хар асар — янги ижодий сафар. Йўловчилик эса хамиша зўр тадорик ва масъулият хиссини такозо этган. Хатто етук сўз санъаткорлари хам хар гал навбатдаги ижодий ишини кўлига илк бор калам олган хаваскорлардек хаяжон билан бошлайди. Истеъдод нечоглик кучли ва закий бўлмасин, борлик ва илохиётни нечоглик хисламасин, ўзи сезган-сезмаган холда Яратганинг мададига мудом муҳтож бўлади. Айни чокда асарнинг комиллиги, кемтиклиги, тўқислиги, нокислиги — хаммаси муаллифнинг ўзига, ўзидаги ички омилларга бориб такалади. Улкан санъаткорларда ифода далолатининг кучайиб боруви, норасо ва бемантик ёзишдан сакланиш, асраниш, сўз борасида Яратувчидан кўркув, Ундан магфират сўрашлар бекорга эмас.

Шеърият мулкининг Навоийдек чинакам сultonи бежиз кайта-кайта назмий тавба-тазарру битмаган. «Тенгри эхсони» — каламнинг росту пок ёзмок учун берилганини чукур идроклаган шоир «мадх услуби»ни беравнак билади. Ок когозга норост ёзишни оғир гуноҳ санаб, «ким Худо килгай онинг юзин каро», дейди. Аллохга ўзининг тогдек буюк дард-хасратини айтади: комил инсон бўла олмаганидан надомат чекиб, энди «тавбаи комил хидоят айлагил...», дебон ёлворади. Ижод ва илохиёт туйгулари муштараклиги куйидаги каби мурожаат-байтида яна умид-илтижо бўлиб йўгрилади:

Рахмат суйидин ювмасанг ул номани, ох,
Махшар куни неткамен мене, номасиёх?!

Сўзга муносабат мароми исломий имон билан нурланиб турган бўлса-да, бу беназир шеъриятга хам таъна-танкид бўлгани рост. Назмнинг вазифасини замонасида гоят нозик фахм этгувчи Хусайн Байкаро бир гал Навоий ашъори хусусида кутилмаган фикр айтади (мазмуни): «Бир бино курмокдек савобдан не фойдаки, агар назмининг таъсиридан эл ошиклигу сархушликни тилар(ўрганаар) бўлса, дину ислом уйига гавго сола туриб, савоб ишлар кilmok не кадар хисобга ўтади?»

Эшиттим базмининг бир нуктадони,
Шахи сохибкiron жон дармийони
Демиш: Не судки, бир уйни тузмиш
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш.
Ўкуган эл аниng шеърини пайваст,
Тиллар бўлгай хамеша ошики маст.
Солиб ислому дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармак не маҳсуб?

Шоҳ-шоирнинг, умрий хамдамнинг, киёматлик дўстнинг эътирози вокеасини Навоийнинг ўзи «Сирож ул-муслимийн» рисоласида ана шу тарика хикоя килади, танкидни тан олганини куйидагича мардона эътироф этади:

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ,
Чу билдим, чин эрмиш, дам урмадим хеч.
Дедимким: Айлайнин бир нусха мастур
Ки, булгай дину ислом уйи маъмур.

Бадиий адабиёт ухдасини кандай англамок ва шундан хосил бўлмиш ижоднинг туб манбаи каламкашнинг ўзида, ўзлигидадир. Оламларнинг барча асрори, инсоннинг ботиний дунёси Аллохгагина маълум. Бирор эмас, банданинг ўзи ўз ботини сирларини етарли англолмай ўтади. Ва лекин ботинда ал-ботиннинг ўзигагина даражаси ва макоми аён иймон, эътиқод, гунох, савоб, имкон, хулласки, турфа хис, турфа жараён бор. Бундаги ахволот илдизлари бир жихатдан ижтимоий мухитга чирмашиб туташган бўлади.

Бинобарин, ижодкор кавмга синов дунёсининг эзгу насимлари таъсири баробарида муайян мафкурунинг манфур куюнлари тазикии бўлмаслигига хеч ким кафолат бера олмайди. Чунончи, даҳрийлик атайин авж олдирилган, турмушга куфрий амаллар бостириб келган ва кенгрок таркалган кезлари жасораткор, эркпараст етакчи адабиёт хам мудхиш вазиятда колиши тайин: ким алданади, ким адашади; ким исён килади, ким дардини пардалаб айтади; ким юзаки, ким астойдил муроса килади...

Хар нечук хол содир бўлмасин, сабаб —манба яна ўшадир — ботин. Ахир, ижод дилда тилакланади, сайкалланади, унинг нурларига корилади, «тарози»сида ўлчанади, сўнг зохирга тақдим этилади. Аслида, хаётдан, инсонлардан оламиз, дейишади адиблар («Одамларнинг ўзидан олиб, Одамларга бермоқдир ишим»), Бирок «ўз хунарларида нўнок» ва жасоратдан мутлок узок кишига зохир (шароит) тайёр баҳона хамдир. Хар кандай холатда хам «беайб-Парвардигор» деган гап тўгри.

Куфрона харакат ва тамойиллари устувор мамлакатларга мустамлакаликдан оғатли синов йўқдир эҳтимол: хамма жабхага ширк оралайди. Ширк бу Аллоҳ Таолога бирон бир нарсани ишларида, ибодатда, исму сифатларида шерик кильмокликдир. Гунохлар ичida энг ёмон гунох—шу гунохи кабирадир. Ўзи барчамизни асраган бўлсин ва сакласин.

«..Албатта, ширк катта зулмдир» («Лукмон» сураси, 13-оят). Буюрилган хамма эзгу амал—ибодат. Ибодатни ўз жойидан бошка бир жойга кўйиш зулмдир, ширкдир. Яратган колиб, яратикларга —бандасига, нарсасига сажда —ширк. Холикка хос хамду санони маҳлукка нисбатан сўзламак, яъни ёлгон мактов ва алданган мактов хам ширкдир.

Яратгашги яратикка, яратикни Яратувчига менгзамок, Аллоҳга нуксон, айб такамок-ширк. Вахоланки, Аллоҳ нуксонлардан мунаzzah-покдир! «У-Аллоҳ, шундай зотдирки, хеч кандай илоҳ йўқ, факат Унинг ўзи бордир. У (ёлриз) подшоҳдир, (барча айб - нуксондан) покдир-саломатдир, (Ўзи хоҳлаган баидаларини дунё бало- оғатлари ва охират азобидан) омон килгувчидир, (бандаларнинг амалларини) кўриб-кузатиб тургувчидир, кудрат соҳибидир, бўйсундиргувчидир, (танҳо) кибр эгасидир. Аллоҳ уларнинг (мушрикларнинг) ширкларидан покдир» («Хашр» сураси, 23 оят). Амалларни, савобларни бехуда кетказдирадиган хавф хам ширкдадир, валлоҳу аълам!

Баъзи уламо ширкни тим коронгу уйдаги тим коронгу тош устида кетаётган коп-кора кумурсага ўхшатади. Куфрий мустабидликда хаётшаг турли кўчаларига ширк ана шундай билинтирмай оралайди. Оралаган ширкнинг шарпаси вокеликдан илгарилаб юра оловчи куч—сўз санъатига-да, унинг унча-мунчага сир бермас соҳаси—чин шеъриятнинг муқаддас сахнига-да тутпади. Бако хаёлинигина эмас, фано таранну мини, дард, укубатини, ранж, мухаббатшш ёлгиз Аллоҳ учун, Унинг ризолиги учун деб билган, назму

иншосини исломий мезонлардан бунёдлаган мумтоз адабиёт ибратларидан ажралиш кучайган сари ўша машъум шарпа эркинсиради ва талтайди. Кейинчалик кутлуг истилохга ва тазарруга баъзан улгурилди, баъзан йўқ. Хак Таоло кечирсин. «... У кудратли ва бенихоя магфиратли зотдир» («Зумар» сураси, 5-оят).

Ажабки, дунёи фонийда ширкнинг тусланиш шакллари кўп. Собик шўро тузуми хаётида унинг энг оммавий, мажбурий кўринишлари Инкилоб, Ленин, Сталин ва Коммунизм деган хомхаёл бўлди. Гоҳ галма-гал, гоҳ биргаликда бу шарпалар бутун бошли умрларни, имконларни, ижодларни, салохиятни ўзига карам килиб олди. Махв этишлар кўркитиб кўйди. Янги тузум гўё «Шайтанат таҳтини ерга килди жо». Элларнинг нафаси ичига тушди. Ширк шарпалари илм-фанни, ўкувни, матбуотни, романлар, достонларни, уй-фикрни, орзу- армонларни тўхтовсиз ишгол этди. Зўравон тарзда гўзал адабий обидалардан ўзига жой-мавке талаб килди. «лениннома», «инкилобнома», «сталиннома» ва бошка номалар тугилди, «сталиннома»нинг умри калтарок, колган «шарпанома»ларники узунрок кечди, салкам муборак Истиклолгача келди. Илму танкид уларни кувватлашга махкум, имо-ишора билан бўлса- да, хакикат сохилини кўрсатиб кўйишдан ожиз эди.

«Мадх услуби» марказда ва чекка ўлкаларда энди парвозланаётган йилларда рост шеърият фигонлари аллакачон кўкларда ўрлар эди. Унинг жахлу жаҳолатга, бидъату хурофотга, куфрону кулликларга, гафлату кишанларга исёни бехад эди. У халкнинг денгизлигини, тўлкинлигини, исёнлигини, улугвор кучлигини барча замонлардагидек хис этар, шунинг учун «кучок очиб халк ичига» бормокка даъват киларди. Аммо теграсига бокиб «Гарбнинг конга тўлган кўзидек» бўронларнинг ўйноклашини, «огрик, маглуб, туткун Шаркнинг юзидек» саргаймиш япрокларни, ўлка боши узра «куюк булат кўланкаси»ни кўрди. «Бузилган ўлкага» аччик ва махзун савол- дашномлар ёғдирди:

Нега сени бир кул каби кизганмасдан янчалар?
Нега сенинг калин товшинг «кет» демайди уларга?
Эй, хар турли кулликларни сигдирмаган хур ўлка,
Нега сенинг бўгзингни бўгиб турар кўланка?

«Кўланка»нинг зугуми хаддидан ошиб борди. Сикилган шеърият ўз «соз»ини гоҳ бир неча йил кантариб куйди, гоҳ тил учида кўланкани хиёл куйлаган бўлди. «Бир неча йил кантаргач, Яна олдим созимни, Энди айтиб йигламас Кўнгилдаги розимни» дея нолинди. Газабга келган кўланка миллатнинг, маънавиятнинг бир кучок гулини янчиб кўя колди. Дил розини айтишга ашаддий хаксизлик, эрксизлик, журъатсизлик, хунобалик бошланди. Чин сўз айтарлар, шартакилар, дарди ичидагилиги сезилганлар бир-бир тавба килдирилди. Энди шарпалар шеърият бўстонида бемалол сайр килишди. Бусиз хам омма уларга суянчик, нурамас коялар, бебахо зотлар деб карай бошлаган эди. «Кўп эскидир олам ва унда Кўп буюклар ўтгандир, бирок, Бирок Ленин тарих сўнгига Буюклардан чикди буюкрок», деб ўйларди улкан мамлакатнинг улкан шоири. «Минг йилларни кийнаган жумбок Унинг акли билан» топилгандек, «Чирик, конхўр тузумнинг Эшиклари» у боис так- так ёпилгандек туюлди. Гуё Чингиз унинг тирногига арзимайди, оксок Темур унинг каршисида тупрокка тенг, Пётр, Наполеонлар денгиздан бир томчидир, фотих Искандар «чавондозга бир камчидир, холос». Шеър («1924 йилнинг 22 январида Самарканд. Самаркаддда ўлмаган-ку ул?») вахшатли ширкнинг энг катта шарпасига бевосита багишлангани учун тавсифга таъсирли кульминация топилиши,

кульминация хам имкон кадар дахриёна ифодаланиши лозим бўлди. Шундай килиб, мавзу баланд мартабага кўтарилиб, мафкуранинг дахрийликка доир бош мудадоси хам бир йўла кондирилди:

Агар худо бўлган такдирда
Айтганига кулок солурди.
Оркасидан судралиб ерда,
Хар кун минг-минг сабак олурди.

«Фиръавн»нинг вафоти тараккиёт йўлидаги хатоларнинг, муаммоларнинг тушунилишига туртки бўлолмас эди хали. Чунки унинг лойик «йўлдош»лари айни сиёсатни огишмай давомлатиш касдида эдилар. Энди «Инсонликка бўлиб бир куёш» Сталин шеърият гулзорини пайхон киларди. «Башар куёшига» мактовлар бетиним ёгилди (Бу дамларда Катта шарпа бироз нафас ростлаб турган туюлади).

Миллий мозийни нечог хароб, бузгун, бенаво, зимиston кўрсатилса, шўролик тузумининг шонли, шодон, шарафли англаниши, Шахс мадхининг муболагаси таъсирилик кечиши тайин. Худди шундай шуаронинг шеърий мактублари халкнинг ўтмишдан оху фигонини марказга, янги дохийга элтган бўлди. Зулм гўёки унинг номи туфайли йўқ бўлади, унинг номи билан кўллар чайкалди, ўлим барҳам топди. У—эл баҳти, панохи, ишончи, аъмоли. Гўза кулок чикарганида, уни асрарувчи куёш хам ўша. Дохий нимани хохлаган бўлса, албатга, бўлади...

Расулulloх (с.а.в.)га бир киши: «Аллохнинг ва сенинг хохлаганинг бўлади», дейди. «Мени Аллохга шерик килдингми? Айтгин, ёлгиз Аллохнинг хохлагани бўлади» деб айтадилар пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.) (Мухаммад Насоий китобидан сахих хадис).

Иккинчи шарпа хам шеъриятнинг хар гўшасига бесўрок бош сўқди. «Басовлат», «муртида ним кулги» киёфада ажойиб шеърнинг тўрига ўтириб олди («Бизнинг кўчада хам байрам бўлажак»). Бегубор «Вакт»нинг хукмронлигини ўз кўлига олмокчи бўлди: «Хар лахза Сталин умридек узун». Койилмаком бадиий тафаккур жилвалари аро «Тирик Сталиннинг нафасдошимиз» дейишга мажбур эди донишманд шоир. Кайси мавзуга кўл урмасин, рўпарасидан шарпа чикади унинг. Баъзан кочолмай колади шарпадан. Каттакон мамлакатнинг бир четида хокисор кун кўраётган, кадимдан иймонли, етимпарвар миллатнинг юксак болажонлик фазилатига хам шарпа зўраки тарзда шерикликка келади:

Домовой книга
Бош сахифаси
Сталин номи-ла бошланур бизда.

Оила бошлиги—
Ота Сталин
Баҳти манглайнингга
Бўса кўндиришиб.

Шарпа гўзал, сезгир, нозиктаъб баданга чумоли ўрмалагандек шеърнинг танасини сескантириб, жимиirlатиб юборади. Бўсасининг мактови каноатлантирмагани учун дарров кета колмайди. Бўсаси «бутун ер юзини мунаvvар» килгувчи куёшга менгзалгачгина шеърни тинч кўяди.

Вакти-соати келиб, хассос шоир зўравон шарпани яйраб ўчириш саодатига мушарраф

бўлди. Тугма истеъдод сохиби хам, зилдай ортиқча «юқ»дан кийналиб халк билан баравар кадам ташлаб келаётган забардаст шеърлар хам енгил нафас олди. Не офатким, шоир ўша йиллари орзуларини хам унинг иштирокисиз айтишга ботина олмас эди:

Голиб келажакни сайд килайлик,
Мўйсафид Сталин билан иккимиз.(«Согиниш»)

Аллохнинг вакти ва маконида камтарин шоир замонларга замондош келаётган холда, шарпа Аллоҳ буюрган шеър йўлининг кийинчиликларига дош беролмади. Шоир эса хамон эл хизматига бахоли кудрат камарбаста, истиклол авлодларининг огирини енгил килишга сафарбар:

Сиз, ахир, осмонни олмок бўлсангиз,
Не учун ёлкамни тутиб бермайин?!

Шахсга сигиниш килар ишини килиб бўлгач, Аллохнинг иродаси билан кораланди. Ширк шарпаси энди ўша «халкларнинг отаси», «халоскори» киёфасида туслана олмай колди, мартабаси бирмунча пасайди. Отдан тушса-да, эгардан тушмас такаббур сингари ўзга шаклларда узок изгиди. Илинжи катта дохийда, у асос соглан партия ва коммунизмда колди. Шарпа бадиий таргиби одатдагидек кўпроқ шеърият зиммасига тушди. Шунга карамай, нисбатан енгилрок, юмшокрок вазият пайдо бўлди.

Алхамдуллилах, Тангри ўзбекни истеъдоддан сикмаган, камитиб кўймаган. Миллий шеъриятни сиёsat таҳтидан кўнгил оламига дадил туширадиган авлодлар дунёга келди. Баъзисини айрича сорбон этиб ва яна ахил яшатиб, ёлгон муросалардан анча пок этиб, макбул ракобатга машгул килди. Ўз дарди, армони, андухи, мухаббати таранумини кўрган халк назмнинг асл мохиятини кайта ва янгича хис эта бошлади. Шеърга бу даврдаги оммавий эҳтиромни балки достон кильмок мумкиндир. Алхосил, шеърият «онажоним» дея табаррук аталди.

Шу йиллар «шарпа шеърияти»да эҳтиросиз ва эҳтиросли асарлар талайгина. Аксар асарларнинг енгил-елпилиги муаллифнинг идеаллаштирилган дохийга мухаббати юзакилиги билан эмас, иктидор даражалари билан изохланади. Шунингдек, гоявий-бадиий жозибадорлари ихлос, ишончнинг ўга зўрлигидан бўлмай, поэтик маҳоратларнинг баландлига туфайлидир. Баркамол бир шеърнинг лирик каҳрамони «Поёни йўқ тарихнинг кечмишини» марокли умумлаштиради, замонлар каршисида лол колган ёш идроки или дунё ишларини кузатади:

Унда бирор куради, бирор бузар бемалол,
Баъзан ёмон от колур яхши одамдан хатто,
Кай бир ёвуз кимсани яхши дерлар эрта кун.
Нахот, дейман, дунёда событ нарса йўқ асло,
Нахотки, етукликтинг тимсоли йўқ бус-бутун?..
Ха, садака кам эрур мангулик халтасида,
Пайхон бўлур саройлар, канча юксак кабрлар.
Гоҳ оддий тасодифнинг омий бир хамласида
Капалак канотидай учиб кетар касрлар.

Лирик қаҳрамон «мангуликнинг ойнаи жамолида» «севгидай абадий ва суюклиқ» коладиган, «инсон беминнат... тавоб» киладиган, сажда этиб дилини ёрадиган, хакикат ахтарганда ёд айлайдиган энг буюк зотни излайди. Ва... файласуфона идрокнинг бебаҳо мавжи, бетакрор кизикарли, топишмокли ифодаси аср бошларидаёк «замин даргаси» янглиг ўта юксак сифатларда улугланган номга келиб такка тұхтайди. Бу мазмун, бу гоя, бу тұхтам, бу маҳорат айтилмаган гапи колмаган мавзудаги тамоман янги ходиса эди. Эхтимол, мавзунинг Маяковскийдек сардори хам буни күриб хайратдан ёка ушлаган бўларди.

Шеър шундай яралганки, таассурот жозибаси шу кадарки, сарлавха ва сўнгги мисрада келадиган бир исмгина эндиғи шеърхонни галатирок холатда колдиради. Шеърхон асарни адабиётдан ўчиргиси, «иткитилаётган» шеърлар уюмига топширгиси келмайди: севай деса, шарпа бор, севмай деса, бетакрор. Гўё дарду тавсифи етуқ шеър хали номуносиб исмдан воз кечиб, ўз эгасини топадигандек, сўнгра баҳтиёр яшайдигандек. Гўё шоир бу номни истиклол кунларигача муроса юзасидан кўйиб кўйгандек. «Иккита сўзини ўчирсаммикин, алмаштирасаммикин», дейди шоир истиклол арафасидаёк дарднок ва хазиломуз..

Адабий мунаккидлардан бири демишки, кўплаб ўртамиёна ижодкорлар ўн йиллаб килолмаган ишларни кучли истеъдодлар бир зумда руёбга чикаради. Бугина эмас, зўр талантлар мавзуларнинг фавқулодда кирраларини, гапларини топадилар.

Хатто «мажбурий», «буортма» асарларда хам. Башарти талаб, тазик, мажбурият, ишонч-ихлос канчалигидан катъи назар, салкам аср охирига кадар келиб тақалган ленинномада хам янгилик айтишга интилиш кам бўлган эмас. Олтмишинчи йиллар ёш шеърияти, жумладан, яна нималар дейди: «Хаддан зиёд гўзал сўздир — Ленин», «Ленинга топширайлик Йигирманчи ва ундан кейинги чексиз-чексиз асрларни...», «Яна минг йил, Яна минг аср инсоният килгувчи кадр», «Илҳом берган ёш Ильичга муҳаббатим зўр, холос»...

Хар кандайин идеаллаштиришга карши фикрлар хар лахзада янграб турадиган собик мафкура «янги» даврида танҳо дохийнинг идеал образи янгича поэтик талкинлар канотида кўкларга кўтарилиди; бу улуглаш «унинг асли ўзи шунака эди» дея хаспўшланди; «энг буюк одам» — «Ильич "юр" деди» — юрилди, «Ильич кур деди» — курилди, «Ильич "нур" деди» — нур бўлди. Бу пайтда хам шарпа ўз табиатига хос мухим жихат-бидъат билан коришик яшади: «Кўзимиизга ишонмасак, Сўзимиизга ишонмасак — Ленинга ишонгаймиз», «Муқаддас ул кошона, Остонаси мўътабар, Пок этсин рухан, Калбан Лениннинг руҳи бизни», «Лениннинг кошига бўзлаб бораман... Бунда у кўзларни тингламок керак, Покланмоги керак хар кандай юрак»...

Ёркин истеъдодлар хали даҳрийлиги, атеистлиги кескин мухитда мангулик тимсоли ва хукмдорини излар эканлар, кўп холларда тавба, дард, нидоларини она-Халқ, она-Ватан она-Шеърият, она-Табиат каби бешак мукалдас тушунчаларга каратиш билан фаркланди. Бу эса улар шеъриятларини келажак сари элта борадиган, кейинги даврлар тўфонида бир оз муҳофазалайдиган фазилатлардан бири бўлди:

Аллоҳни тан олмаган

Коммунистик башарият

Таниб олди илохий деб сени, Шеърият.

Ёки:

... Эй, мени оламга келтирган кисмат,

Жонлар волидаси — эй, олий момо,

Чархмисан, фалакми ёки табиат,
Шукронам айтурман сенга, аввало.
Кейинрок жуда кийинчилик билан «мангу» образнинг идеаллигига шубха уйгона бошлади. Унинг шарпалиги хусусида, холбуки, ўз давридаёк айтилган, лекин тарих пучмокларида яширилган гаплар бош кўтарди. Унга бошқачарок тафаккур ила муносабат билдириш барибир осон кечмади. Чунончи, динга муносабат борасида Шарпанинг Горькийни сикувга олиши, унга дашномлар бериши вокеасида факат дохий ёкланиб келинган бўлса, 80-йиллар шоири Горький томонидаги хакикатни бир чимдим илгаган бўлади:

Устоз, сен бир инсон умри мукаддам
Хато килган эдинг, излаб худованд.
Не тонг, дахоларнинг хатолари хам
Майда рост йўллардан юз карра баланд
Ишондим, дунёга келган кунидан
Башар изламабди бесабаб илох.
Мен бугун кўркмасман дин афьюонидан,
Худоси йўклардан кўркаман бирок.
...Имон денг, виждон денг, майли, отини,
Лекин одамзотнинг худоси бўлсин.

Албатта, мазкур авлод вакиллари бу «абадий» мавзуга шарпанома устозларичалик берилмади, бу хакда оз ёзишди. Бир неча донадан шеър, «Чарогбон»га багишланган бир-икки достонча шоирларимизнинг ўзбек адабиётидаги бакувват мавкеларига соя сола олмайди. Мустакиликка интилув кучайган йиллари ва истиклол кунларида шундай масалаларга шеърий муносабатнинг теранлашувида хам уларнинг илгор, ибратли хиссалари бўлаётир. Инсоннинг хилма-хил улугвор, мураккаб, зиддиятли фалсафий моҳиятини бетакрор арузий мисраларда куйлаган гўзал шеърнинг мана бу парчасини эслайлик:

Сен хилол, юлдуз, салиб,
Таврот, Забурдин юксалиб,
Боймисан ёки гариб,
Комрон ўзинг, яксон ўзинг.

Хилол, юлдуз, салиб поэтик рамзлари, мукаддас китоблар номлари башарият тарихининг митти мўъжаз-тавсифини, хилол — комиллик ақидасига етмок саодатини гоялантиришга каратилган. «Хилол»дан кейинги вергулнинг мисра маъносини белгилашдаги ролини мушохада килинг. Тиниш белги «сен»дан сўнг кўйилса, бошқачарок мазмун чикар эди. Хиёл фикрлашга чорлаши, сўнг «фикр»нинг топилиши, «топилдик» фикрнинг умумисонийлиги шубхасиз ўкувчини шеърият кучига ишонтиради. Зугуми бор йилларда устози: «Бу йилларда рахнамо бўла олмади На Забур, на Таврот, на Инжил, «Куръон» деб ёзган бўлса, эндиғи Хилол мадҳи бошланаётган нусрат насимиининг шогирд-шоирга хуш илхоми эди, эҳтимол.

Бирок умумий назар ташланганда, шеъриятимиз шундай улугвор Мустакиллик шароитида тўла куч билан муносиб ижод килмаётгандек туюлади. Хусусан, Ватан, Истиклол,

Мустакиллик, бу бетимсол неъматлар кадри, шукронаси, масъулияти, тараннуми борасида дилтортар намуналар йўқдек. Шеърият бобида яна бир муаммо —енгил-елпи асарлар кўпайиши, уларнинг куйланиши. Уларда санъатдан йироклик, фикрий маҳдудлик, услубий гализлик, майда гапларга ўралашиш, хатто бидъат, бехаёликлар хам кўзга ташланади. Уларда хам билиниб-билинмай номакбул «шарпалар» кезиб юриди. Улар хакикий ўзбек шеърияти хакидаги тасаввурни бузмоги мумкин.

Ибн ал-Койим рахимахуллох ширкни сохилсиз денгизга киёслаб, ёзадилар: «...кимки бирор амалини Аллоҳдан бошкаси учун килса, Аллоҳга якинлашиш учун эмас, балким бошка нарсани кўзлаб ният килса ва ундан мукофот кутса, дархакикат у ният ила хохиша ширк келтирган бўлур. Ихлос эса ният, хошиш, сўзлар, амални холис Аллоҳ учун килишликдир...»

Баъзи ўткинчи мавзуларнинг шеърият тарихи сахифаларини хирадаштиргани аччик сабок бўлмоги керак. Аммо бугун ўз илхом, иктидорини сийка, бачкана, бехаё ялангоч ифодаларга, кофиябозликка, шаклбозликка багишлаб, авлодлар тасаввурини, санъатга нисбатан карашларни бузаётганлар нохушлиги ўша иложсизлик замонидагидан мудхишрок. Куръони каримнинг «Шуаро» (шоирлар) сурасидаги вазиятга караб товланадиган, норасо ва бесамар нарсаларни ёзадиган, умуминсоний хисларни издан чикарадиганларга кандай хукм мавжудлигини, 227-оятда эса кайси тоифа шоирларнинг оздиргувчи эмасликлари тўгрисида Яратганинг каломи борлигини кўлига калам тутган хеч бир инсон унутмаслиги зарур. Жаноби Хакнинг ўз каломида тонг, кеча, юлдуз, киёмат куни, куёш, унинг ёѓуси, буржлар эгаси —осмон кабилар каторида калам ва унда фаришталар битадиган битиглар билан касам ичиши калам ва битикнинг маъсулиятини, юкини хис килдирмайдими?

Пайгамбар алайхиссаломнинг бир катор муборак хадислари шеъриятнинг эзгу вазифаларидан боҳабар килади. «Шуаро» сурасининг олдинги оятларидан ташвишланиб келган сахоба- шоирга Расулоҳ (с.а.в.) дейдилар: «Мўъмин киши хам тиги билан, хам тили (яъни калами) билан Аллоҳ йўлида жиход килур. Яратган эгам номига касамки, сизлар отадиган ўкнинг тиги ўткирроқдир».

Рахмли, меҳрибон ва энг буюк кечирувчидан умидимиз шуки, Мустакиллик замонида хузурида ибодат саналувчи илм, маънавият, маданият, санъат ва адабиётимизни чиройли йўллардан бошласин, розилигига муносиб юксалтирилсин. Зоро, Оғахий ёзганидек, «...шеър бир неъмати узамодурким, Тангри Таоло они хар кишига ато килмомишдур ва они айтмок хунари хар кимнинг кўлидан келмамишдур ва шеър шоирнинг иззат ва давлат неъматин хосил килмокига сабаб, балки икки дунё манзилати саодатига восил бўлмогига боисдур».

Биз юкорида баҳоли кудрат собик шўролар даври шеъриятимизда юз берган нохуш холатни — ширкнинг шарпаси хакидаги кузатувларимизни баён этдик. Мана, Истиклол куёши шоирларимиз боши узра соя соглан мафкуравий таъкиб ва тазикларни тумандай таркатиб юборди. Энди калбга тугён соглан эхтиросларни, нурли хис-хаяжонларни, эътиқоду имонни бемалол эътироф этиш имкони тугилди. Бирок ижодкорларда ана шундай шароитда хам бир кадар журъатсизлик кўзга ташланаётгандай. Хўш, бу журъатсизликнинг боиси нимада, локайдликнинг сабаби каёқда? Сўз эркинлигига эришилган бир замонда баралла куйламасак, кўнгилдаги эхтирому тазарруларни, севинчу аламларни ошкора айтмасак, качон айтамиз?

Эндиликда шеърият билиб-бilmай каламга олинган «шарпалар»ни сигдира олмайди. У мафкуравий сикувлардан најот топган. Мана шундай шароит шеъриятимизнинг эртанги

куни порлок, юксак бўлишига умид уйготади.

Маколага нега ўзбекнинг зўр, гигант шоирлари танланди, дерсиз? Ахир, бегонадан ўпкаланилмайди. Адабиётда хам бегонароклар бўлади. Колаверса, бу—ўпкаланиш, исломий ёхуд адабий насиҳат эмас, мушоҳададир. Кечмишни тушунмок, хатолардан тийилмок, истигфор айламок —йўлимиздир. Тазиккор собик тузум «дарсини», «Айтсам, тилим куяр, айтмасам—дилим» холатидаги эрксизлик азобини унутмаган адабиёт Истиклол кадрига муносиб куйламокни хам билади. Чўлпонни, Хамид Олимжонни, Гафур Гуломни, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф ва Рауф Парфиларни, уларнинг ранго-ранг, беназир адабий фазилатларини хайрат билан кадрлайман. Замондошлигим, нафасдошлигимдан кувонаман.

Колаверса, хали асл бўй-басти, дилбар салоҳияти элга тўгри танитилиши зарур бўлган Хамзамиз айтмокчи, «буғунги кадрлик кунлар» шундай талкинларга имкон берди.

Муддао эса хеч бир ўзбекда гина, шахсий шон-шуҳрат, хатоси бордан кошиш кабилида бўлмаслиги зарур. Негаки, Ватан деб, миллий гурур деб, маънавияти юксак насллар деб, ёниб меҳнат килмок кунлари келган. Яна Хамзамиз айтмокчи: «Бу кун — иззат-хурмат, даража ва мартаба талаб этув куни эмасдур, англаш куни! Бу кун — хар бир миллатин тонувчи, суювчи зотга белини устидан бөглаб югуриб хизмат киладурган кун...»

"Жозиб изхор излаб" китобидан